



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИГА ЧИҚМОҚДА

Ёшлар – мамлакатнинг бебаҳо капитали. Давлат ижтимоий лифтлар яратиш орқали ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда, тобора рақобат ортиб бораётган меҳнат бозорида ўрнини топиши учун ғамхўрлик қилиши, уларга ўз қобилияти ва салоҳиятини намоён этиб, ривожлантириши учун барча шарт-шароитни яратиши шарт. Замонавий таълим, касб-ҳунар тизими бунда энг бирламчи ва ҳал қилувчи бўғин саналади.

Бугун Ўзбекистон олий таълим тизими ҳақида сўз борганда, жамоатчилигимизни асосан иккита масала қизиқтиради. Биринчиси, мавжуд олий таълим ташкилотларида кадрларни тайёрлаш сифати қандай? Кейингиси эса, табиийки, битирувчи ёшларнинг бандлиги билан боғлиқ муаммоларга қанақа ечим топилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари Сардор РАЖАБОВ билан суҳбатда мана шу саволларга жавоб изладик.

► (Давоми 3-бетда)

ЙИЛ САРҲИСОБИ: СЎЗ - ХДП ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЕТАКЧИЛАРИГА

Йил якунларан экан, ўтган 365 кунни хаёлдан кечирамиз. Хотираларни варақлаймиз, нималарга эришдиг-у қайси нуқталарда бой берганларимиз бўлгани ҳақида сарҳисоб юритамиз.

► (Давоми 4-бетда)



Ўзбекистон спортидаги
натижа ва ғалабалар ҳақида

БУГУН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ —
ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ ИШОНЧ
БИЛАН ОДИМЛАЁТГАН, ДАВЛАТ
ЭЪТИБОРИДАН РУҲЛАНГАН ВА
ХАЛҚ ИФТИХОРИГА АЙЛАНГАН
ҚУДРАТЛИ ҲАРАКАТДИР. У
СОҒЛОМ АВЛОД ОРЗУСИНИ
ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТАЁТГАН
МУҲИМ КУЧ СИФАТИДА НАМОЁН
БЎЛМОҚДА.

► (Давоми 6-бетда)

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

№50
2025-yil
17-dekabr, chorshanba
21-iyundan chiqqa boshlagan

Ўзбекистон
Овози

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги ҳаётий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари Сардор РАЖАБОВ билан суҳбатда мана шу саволларга жавоб изладик.

Ўзбекистон — САЙЕКЛАР
ОШИҚАДИГАН ФУСУНКОР ЗАМИН

Ўзбекистон — САЙЕКЛАР
ОШИҚАДИГАН ФУСУНКОР ЗАМИН

Ўзбекистон — САЙЕКЛАР
ОШИҚАДИГАН ФУСУНКОР ЗАМИН

ЭНДИ "O`zbekiston ovozi" ГАЗЕТАСИГА



ИЛОВАЛАРИ ОРҚАЛИ ОБУНА
БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мурожаат учун телефон: (71) 239-12-14

ОБУНА ИНДЕКСИ – 220

ПАРЛАМЕНТДА



ЯЛПИ МАЖЛИС: ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИШДАН ҲАЁТДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГАЧА...

Биз йил давомида парламент депутатларининг сайловчилар олдидаги маъсулиятни ҳис этган ҳолда халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, оғирини енгил қилиш, барча жабҳада қонун устуворлигини қарор топтириш учун жиддий ҳаракат қилаётгани, азму қатъият билан интилаётганининг гувоҳи бўлиб келдик. Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида халқ вакиллари иштирокида қатор қонунларнинг қизгин муҳокамаси бу фикримизни яна бир қарра тасдиқлади.

► (Давоми 2-бетда)

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



ХУДУДИЙ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Инклюзив жамиятни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда "Инсон қадри учун" тамойили асосида олиб борилаётган ислохотларнинг туб негизи ҳисобланади.

Айни шу мақсадда давлат раҳбарининг "Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларида ҳудудларда комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга кўра:

- инсонни жамиятга интеграция қилишга қаратилган ижтимоий хизматлар жорий этилади;
- интернат шаклида хизмат кўрсатишдан босқичма-босқич воз кечиш — ноинституционаллаштириш жараёнлари жадаллаштирилади;
- ижтимоий хизматлар соҳасида нодавлат сектори иштироки кенгайтирилади;
- ижтимоий хизматлардан фойдаланишнинг тўлиқ рақамли механизми йўлга қўйилади.

Ижтимоий ҳимоя инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган қарор доирасида республика бўйлаб 2026–2027 йилларда

20 та, 2028–2029 йилларда эса қўшимча 35 та, умумий ҳисобда 55 та ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилади. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимида давлат муассасаси сифатида фаолият юритадиган бу марказлар аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари учун комплекс хизматлар кўрсатишни таъминлайди.

Ҳудудий марказларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Жаҳон банкининг «Инсон» лойиҳаси доирасида амалга оширилади.

Абилитация ҳамда реабилитация ишлари уйғун равишда олиб бориладиган марказларда асосан:

- ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш;
- 18 ёшдан катта, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар учун қараб туриш;
- ривожланишида кечикиш ёки ҳавф омиллари мавжуд болалар учун эрта аралашув хизматлари йўлга қўйилади.

Қўшимча равишда, фаол кексалик дастурлари, ногиронлиги бўлган болалар оилалари учун ота-оналар клублари, шунингдек, тарбиясида муаммоси бўлган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун психосоциал реабилитация хизматлари жорий этилади.

Ўз мухбиримиз.



ПАРЛАМЕНТДА

ЯЛПИ МАЖЛИС: ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИШДАН ҲАЁТДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГАЧА...

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Дастлаб бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан аҳолини оммавий спортга жалб қилиш ва оммавий спорт тадбирларини тизимли ўтказиб бориш, спорт турларини эътироф этиш ва уларнинг реестрини юритиш тартибини такомиллаштириш, спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чоралари белгиланмоқда. Шунингдек, Миллий олимпия ва паралимпия кўмиталарининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, Паралимпия, Сурдлимпия, Махсус олимпия ва Кўзи охишлар спорти ҳаракатларига доир масалалар қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Иш берувчилар ходимларнинг спорт билан шўғулланиши учун зарур шароитлар яратиши, спорт соҳасидаги низоларни судгача ҳал этиш тартибини жорий қилиш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳани янада ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортга оид муносабатларни тизимли ташкил этиш, амалиётда мавжуд бўлган айрим ноаниқликлар ва ҳуқуқий бўшлиқларга барҳам беришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди. Мажлисда “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан нодавлат суд экспертларининг ҳуқуқий мақоми белгиланмоқда. Илмий фаолият билан шўғулланувчи муассаса (ташкилот)-ларнинг ўз фаолият йўналиши бўйича суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш кўзда тутиляпти.

Адвокатнинг сўровига асосан ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатларига мувофиқ шартнома асосида давлат ва нодавлат суд экспертлари томонидан тадқиқотлар ўтказиш ва экспертлик фикрини бериш тартиблари белгиланмоқда.

Процессуал қонунчиликда адвокат сўровига асосан қўшимча ва қайта суд экспертизасини ўтказишга нисбатан чекловлар назарда тутилмагани сабабли қонун лойиҳасидан адвокатларга нисбатан мавжуд чекловлар чиқариб ташланди.

Шу билан бирга қонунчилик ҳужжатларида рухсат этилган ҳолларда хорижий давлатларнинг суд-экспертлик тузилмалари ҳамда уларнинг суд экспертлари Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиши мумкинлиги тўғрисидаги норма киритилди.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд экспертлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, экспертиза хулосаларининг ишончилигини янада оширишга, пировардида одил судловни таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мажлис кун тартибидан болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини

такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам ўрин олди.

Қонун лойиҳасида таълим ташкилотиде болаларни тарбиялаш, уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятлар зиммасига юклатилган шахс томонидан тарбия ва таълим бериш жараёнида болага нисбатан зўравонлик ҳолатлари содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Нотариуслар зиммасига болани фарзандликка бериш (олиш), болани васийликка ёки ҳомийликка бериш ҳақида аризадаги имзонинг ҳақиқийлиги шаҳодатланганлиги тўғрисидаги маълумотларни “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига тақдим этиб бориш мажбурияти юклатилляпти.

Васий ёки ҳомий ўз яшаш жойини ўзгартирмоқчи, шу жумладан, бошқа мамлакатга кўчиб кетмоқчи бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма рухсати ва васийликка олинган 10 ёшга тўлган боланинг розилиги талаб этилиши белгиланмоқда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола фойдасига ота-онадан ёки уларнинг биридан ундирилиши белгиланган алимент миқдорини камайтириш бўйича ишларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари вакилининг иштироки амалиётга киритилмоқда.

Шунингдек, етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси яшайдиган жойга рўйхатга қўйганда ҳам давлат божи тўлашдан озод этиш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Сўнгра депутатлар томонидан экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси экологик тоза ҳудудларнинг мақоми ва режимини белгилашга ҳамда мазкур ҳудудларда пластик маҳсулотларнинг муомаласини тартибга солишга қаратилган.

Лойиҳада экологик тоза ҳудудлардаги фаолияти натижасида оқова сув ҳосил қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш объектлари ҳамда автомобиль ювиш шохобчалари оқова сувларни тозалаш иншоотлари билан жиҳозланиши назарда тутилмоқда.

Тегишли равишда тозаланган оқова сувларни оқизиб юбориш учун уларни чиқариб юбориш тармоқларига улаш ёки уларда оқова сувларни тўплаш учун муқобил иншоотлар қуриш, айланма сув таъминоти жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш шартлиги белгиланмоқда.

Табиий объектларга ва мажмуаларга салбий таъсир қилувчи саноат объектларининг қурилиши ва фаолият кўрсатиши тақиқланяпти. Лойиҳага кўра, табиий органик полимер маҳсулотлардан ташқари бир марталик пластик маҳсулотларнинг муомаллада бўлиши чекланади.

Бу лойиҳа ҳам қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Депутатлар ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битимига мувофиқлаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Ушбу қонун лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини янада жадаллаштиришга қаратилган.

Лойиҳа билан Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Уруғчилик тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларга ЖСТнинг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битимида белгиланган қоида ва нормаларга мувофиқлаштириш билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

““

БИЗ ЙИЛ ДАВОМИДА ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИДАГИ МАЪСУЛИЯТНИ ХИС ЭТГАН ҲОЛДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ, ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ, БАРЧА ЖАБҲАДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ УЧУН ЖИДДИЙ ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАНИ, АЗМУ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ИНТИЛАЁТГАНИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛИБ КЕЛДИК. КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА ҚАТОР ҚОНУНЛАРНИНГ ҚИЗҒИН МУҲОКАМАСИ БУ ФИКРИМИЗНИ ЯНА БИР ҚАРРА ТАСДИҚЛАДИ.

Мажлисда биринчи ўқишда кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси эса ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш ишларини янада тезлаштиришга қаратилган. Унда ваколатли ташкилотлар ва адлия органлари томонидан йиғма жилд ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда эълон бериш муддатларини қисқартириш, якка тартибдаги уй-жойлар қуриш орқали ортиқча эгалланган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этишда бозор қиймати ўрнига қатъий белгиланган миқдорда бир марталик тўлов ундириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан бир марталик тўлов ўз вақтида амалга оширилган тақдирда, автоматик равишда 50 фоиз чегирма қўллаш, тўловлар белгиланган муддатда амалга

оширилмаган тақдирда, туман (шаҳар) солиқ инспекцияси ва тегишли шахслар ўртасида тузиладиган шартнома асосида тўловларни 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилмоқда.

“Ўзкосмос” агентлиги томонидан бинолар ва иншоотлар қурилган даврни аниқлашнинг техник имконияти мавжуд бўлмаганда қонунда кўрсатилган муддатга энг яқин бўлган олдинги ва кейинги космик суратлар асосида хулоса берилиши масаласи ҳам илгари сурилган.

Қонун лойиҳаси билан бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, якка тартибдаги уй-жойлар хусусийлаштирилгани ёки хусусийлаштирилмагани тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган ахборот тизимига киритишга (бириктиришга) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари масъул этиб белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратига алоҳида тўхталиб, уни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар беришди. Лойиҳада назарда тутилаётган айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Олий Мажлис палаталарига киритади.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани Олий Мажлис палаталарига тақдим этишнинг аниқ муддатини белгилаш таклиф этилмоқда.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларга Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан тайёрланадиган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани Олий Мажлис палаталарига навбатдаги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан тақдим этиш лозимлигини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Шундан сўнг олий таълим, фан ва инновациялар вазири К. Шариповнинг “Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг ижроси ҳамда соҳада коррупция омилларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Имомназар Турсунов вазирилик томонидан таълим тизимида коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг натижадорлигини баҳолаш ва ўз фаолияти юзасидан жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш бўйича қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида сўради.

Вазирнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинди ва кун тартибдаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Зоҳидовнинг тизимда 2025 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти бўйича ҳам депутатлар қатор саволлар билан масъулга юзландилар. Ўз навбатида улар камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳаётий ва ҳақчил таклифларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Туризм кўмитаси раиси У.Шадиёвга “Сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган шаҳарларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган шаҳарларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини янада яхшилаш ва бу борада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослангирланг тушунтиришлар бериш ҳақида Туризм кўмитаси раисига парламент сўрови юборилди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш вазири А.Худаяровнинг “Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича қабул қилинган ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларнинг ижроси тўғрисида”ги ахбороти ҳам эшитилди.

Муҳокамалар давомида халқ вакиллари томонидан аҳолининг соғлигини сақлаш ва бирламчи тиббий-санитария ёрдами ривожлантириш, ихтисослаштирилган ва шошилинч тиббий ёрдам соҳасига оид бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

-Тан олиш керак, яқин йилларгача Ўзбекистон олий таълим тизимида қўпбал муаммолар йиғилиб қолган эди, - дейди С. Ражабов. - Жўмладан, ушбу бўғинда қамровнинг пастлиги, ўқитишдаги ўзини оқламаган ёндашувлар, инфратузилма ва иқтисодий имкониятларнинг у қадар юқори даражада эмаслиги алалоқибатда жаҳон талаблари даражасида кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб келди. Катта ва ўрта ёшли авлод яхши эсласа керак, шундай пайтлар бўлдики, олийгоҳ талабаси бўлиш жуда-жуда машаққатли эди. Масалан, олийгоҳга битта ўрин учун қамида ўндан ортиқ абитуриент даъвогарлик қиларди. Бу жараёндаги рақобат эса ҳар доим ҳам ҳалол бўлмаганини яширишга ҳожат йўқ. Ваҳоланки, ривожланган давлатлар таърибисидан маълум, уларда университетга ўқишга кириш осон, лекин олий таълимдаги таҳсилни муваффақиятли тамомлаш игна билан кудук қазиш кабилдир.



КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИГА ЧИҚМОҚДА

Сўнги даврда мамлакатимизда университетлар сони сезиларли кўпайгани тўғйили олий таълимга кириш имконияти олади. 2025 йил ҳолатига ҳудудий ва кадрлар тайёрлаш ихтисослашувчи жиҳатидан яқин бўлган 29 та олий таълим ташкилоти негизда 12 та янги олийгоҳ фаолияти йўлга қўйилиб, улар сони 207 гага етди. Яна рақамларга мурожаат қилсак, 2017 йилда олийгоҳлардаги талабалар сони 280 мингга яқин бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб ўшбу кўрсаткич 1,7 миллион нафарни ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, юртимизда ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 44 фоизни кўрсатмоқда. Мана шу далилларнинг ўзиёқ тизинда ижобий ўзгаришлар қанчалар жадал суръат касб этаётганини тасдиқлайди.

-Олий таълимда инклюзияни ривожлантириш янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ўзини ижтимоий давлат деб эълон қилган Ўзбекистон олдиди турган ўстувор йўналишлардан бири. Шу маънода, тизимда бу борада рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз?

-Дарҳақиқат, олий таълим ривожининг ҳозирги босқичида инклюзия стратегиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу асосан хотин-қизларнинг, ногиронлиги бор шахсларнинг ва камбағал қатлам вакилларининг олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда қўллаб-қўвватлаш ишларида аққол кўриняпти. Шунга мос равишда мамнунийлик билан қайд этиш мумкин бўлган ютуқлар ҳам талайгина.

Масалан, 2025/2026
ўйвун йили учун Оила ва
хотин-қизлар қўмитасининг
тавсияномасини олган, олий
маълумотга эга бўлмаган хотин-
қизлар учун бакалавриятнинг
кўндўзги таълим шакли
бўйича умумий белгиланган
давлат гранти асосидаги қабул
параметрларига қўшимча
2 мингта давлат гранти икки
баробарга оширилиб, 4 мингта
этиб тасдиқланди. "Қамбағал
оилалар реестри"га киритилган
оилалар фарзандлари учун 10
фоизли қўшимча давлат гранти
асосидаги қабул кўрсаткичлари
доирасида бакалаврият таълим
йўналишларига грантлар квотаси
3 минг 550 тага етказилди.

Бундан ташқари, мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумоти йўқ хотин-қизлар учун тўлов-контракт асосидаги қабул параметрлари 5 карра кўпайтирилди (2 ярим мингта бўлди).

Дарвоқе, республикада
фаолият кўрсатаётган 32
та хорижий олий таълим
ташкilotи филиаллари ҳамда
74 та нодавлат олийгоҳлар
учун ажратилган давлат гранти
квотаси ҳам оширилди.

Юқорида санаб ўтилган
рақамлар ортида қанча-қанча
йигит-қизларимизнинг тақдирин,
ёруғ орзу-умидларин, истикболли

келаждаги турганини назарда
тутсақ, чиндан ҳам тизимда
инклюзияни ривожлантиришда
дадил қадамлар қўйилмоқда.

- 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинган ва унда соҳани тизимли ислоҳ этишга доир мақсад ва вазифалар аниқ белгилаб берилганди. Айниқса, Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантириш масаласи кун тартибига киритилгани келгусида амалга ошажак жиддий ўзгаришлардан сигнал эди, назаримизда. Хўш, ўтган олти йилда ушбу ҳужжат доирасида қандай натижаларга эришилди?

-Пировард мақсад замонавий билим ҳамда юқсак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган айти концепция тизимда салмоқли кўламада янги ва яхши ўзгаришларга туртки бермоқда. Юқоридаги концепцияга кўра, университетларни халқро миқёсда тан олинган рейтингларга киритиш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва инновация ёндашувларни жорий этиш жараёнлари давом этмоқда. Изчил олиб борилаётган амалий ишлар натижаси ўлароқ "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети, Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент давлат техника университети дунёнинг ТОП-1000 университетилари қаторидан жой олди.

2025 йилги "The Impact Rankings" рейтингни (бу глобал рейтингда дунёдаги олий ўқув юртлари фаолиятининг БМТ Баркордор ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги баҳоланади)да юртимиздаги 12 олийгоҳ жаҳон миқёсида эътироф этилди. Бу билан мамлакатимиз Марказий Осиё ҳамда Кавказ минтақасида мутлақ етакчига айланади.

Мамлакатларнинг инновацион ривожланиш тенденцияларини белгилаб берадиган "Глобал инновацион индекс" рейтингига эса Ўзбекистон минтақамизда биринчи, дунё давлатлари орасида 79-ўринни эгаллагани яна бир улкан ютуқларимиздан.

Олий таълим тизимини
2030 йилгача ривожлантириш
концепцияси доирасида
юртимиздаги барча олий ўқув
юртиларида Европа стандартлари
асосида кредит-модул тизими
жорий этилди. Қўшма таълим
дастурлари академик алмашинув
орқали талабаларга икки давлат
университетлари дипломларини
олиш имкониятини яратди.

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш учун 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилди. Грант бакалавриатга кириш имтиҳонларида энг юқори балл

тўплаган 200 нафар абитуриентга тақдим этилади.

Ўтган йилларда олий таълим муассасаларига босқичли равишда академик ва молиявий мустақилликнинг берилиши айни муддао бўлди. Бу ОТМга ўқув режаларини мустақил тасдиқлаш, янги таълим йўналишлари очиш ва академик мобилликни амалга ошириш имкониятини берди. Натижада тизимда давлат маъмурий бошқаруви сезиларли даражада оптималлаштирилди ва ОТМдаги инновацион жараёнлар тезлашди.

11 та олийгоҳдаги 40 та таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилди. Давлат университетларининг 14 мингдан ортиқ ўқув дастурлари ТОП-300 га кирган хорижий олийгоҳлар стандартлари даражасига етказилди.

ОТМ профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш ва ўқув жараёنларига ҳорижий илгор тажрибаларни олиб кириш масаласи ҳам жуда муҳим. Шу нуқтаи назардан 2025 йилда 6 мингдан ошiq профессор-ўқитувчиларимиз хорижда малака оширди. Ўз навбатида юртимиз олий таълим ташкилотларига 3 минг 859 нафар чет эллик педагог мутахассислар жалб этилди.

-Сардор Бахтиёрович, суҳбатимиз асносида сиз санаб ўтаётган бундай ижобий ўзгаришлардан хулоса қилиш мумкинки, олий таълимда кадрлар тайёрлаш сифати жаҳон стандартлари даражасига чиқмоқда, шундайми?

–Албатта! Олий таълимдаги амалий жараёнлар жаҳон фар ва технологиялари билан уйғунлашиб бормоқда. Хорижий университетлар, тадқиқот марказлари ва саноат корхоналари билан муваффақиятли ҳамкорлик орқали миллий таълим тизимида самарадор халқро тажриблар изчил жорий этиляпти. Бу эса нафақат миллий, балки глобал миқёсда ҳам талаб юқори бўлган салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш сдй-ҳаракатларининг амалий тасдиғидир.

Ҳозирда мамлакатимизда илғор муҳандислик мактаблари ва технопарклар институционал ташкил этилмоқда. Бу муассасалар ёшларга нафақат замонавий билим ва касбий кўникмалар бериш, балки уларнинг яратувчанлик ва инновацион фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда қўл келаётир. Муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида республикамызда 2024 йилда 8 та олийгоҳда Илғор муҳандислик мактаблари фаолиятини бошлаган бўлса, 2025 йилда саноат экологияси, архитектура-қурилиш, энергетик муҳандислиги ва рақамли саноат автомобилсозлик йўналишларида яна 14 та янги шундай мактаблар ташкил этилади.

Илғор муҳандислик
мактабларида энергетика,
биотиббиёт, экологик, транспорт,
ахборот технологиялари,
қурилиш ва архитектура
муҳандислиги каби кўплаб

соҳаларда етук мутахассислар тайёрланади. Мақсад талабаларга замонавий муаммоларни ечиш учун инновацион ёндашувлардан фойдаланиш кўникмаларини сингдиришдан иборат. Масалан, талабалар қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш, экологик тоза технологияларни ривожлантириш, сунъий интеллект орқали инсон ҳаётини энгиллаштирадиган дастурларни яратиш ёки транспорт тизимларини автоматлаштириш каби замонавий масалалар ечимида бевосита иштирок этидилар.

Бундан ташқари, Илгор муҳандислик мактаблари талабаларга тадқиқотлар ўтказиш, стартаплар яратиш, янги ускуналар ва қурилмаларни иختиро қилиш имкониятларини тақдим этади. Бундай ёндашув инновациялар асосида миллий иқтисодийётни янада ривожлантириш учун замин яратеди.

Шу ўринда яна бир жиҳат. Ҳозирги даврда олий маълумотли, салоҳиятли кадрларни тайёрлаш фақат аудиториядаги таҳсил билан чегараланиб қолмаяти. Биргина мисол, олий таълим ташкилотлари иштирокида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Кенгашлари олимлар ва амалиётчиларни бирлаштирувчи кучга айланди. Маскур Кенгашлар таркибига 370 нафар аъзо — олийгоҳ олимлари, мутахассислар, тадбиркорлар ва ҳокимлик вакиллари жалб қилинган. Қисқа вақт ичида улар томонидан 92 та туман ва шаҳар бўйича 52 та илмий асосланган таклиф ишлаб чиқилди. Ушбу таклифларнинг 63 таси (яъни, 68,5 фоизи) аллақачон ҳудудий ривожланиш дастурларига киритилиб, ижрога йўналтирилганлигига диққатга молик.

Худудларнинг инновацион салоҳиятини ошириш мақсадида 4 та технологик парк, 3 та венчур фонди, 2 та Бизнес-инкубаторлар ва акселератори ва 3 та Инновация марказлари ташкил этилиб, бундай инфратузилмалар сони 67 тага етказилди.

Қоракалпоғистон Республикаси
Мўйноқ тумани марказидан 65
км узоқликдаги ҳудудда, яъни,
Орол денгизининг қуриган тубида
Илмий-тадқиқот станцияси
ташkil этилди. Орол денгизининг
қуриган сатҳида учрайдиган
муаммоларнинг илмий ечимига
қаратилган амалий тадқиқот ва
инновацион лойиҳалар танлови
эълон қилиниб, умумий қиймати
57,1 млрд сўмлик 21 та лойиҳа
молиялаштирилди. Мазкур
лоийҳаларни амалга оширишда
иштирок этадиган олим ва
мутахассислар учун зарур
шарт-шароитлар яратиб бериш
мақсадида жами 24 та яшаш
қонтейнерлари ўнатирилди.

Мана шундай ўнлаб
мисолларни келтириш мумкин ва
булар тизимда илм-фан, амалиёт
ва инновация уйғунликда
ривожланиб бораётганини
кўрсатади.

**-Олий таълимни
битирган ёшлар бандлигини
таъминлаш масаласида
қандай янгиликлар жорий
қилинмоқда? Умуман,
соҳада кадрлар тайёрлаш**

“

2017 йилда
ОЛИЙГОҲЛАРДАГИ
ТАЛАБАЛАР СОНИ 280
МИНГГА ЯҚИН БЎЛГАН
БЎЛСА, ҲОЗИРГИ
КУНГА КЕЛИБ УШБУ
КЎРСАТКИЧ 1,7
МИЛЛИОН НАФАРНИ
ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.
БОШҚАЧА АЙТГАНДА,
ЮРТИМИЗДА ЁШЛАРНИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМГА
ҚАМРАБ ОЛИШ
ДАРАЖАСИ 44 ФОИЗНИ
КЎРСАТМОҚДА. МАНА
ШУ ДАЛИЛЛАРНИНГ
ЎЗИЁҚ ТИЗИМДА
ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР
ҚАНЧАЛАР ЖАДАЛ
СУРЪАТ КАСБ
ЭТАЁТГАНИНИ
ТАСДИҚЛАЙДИ.

**меҳнат бозоридаги реал
эҳтиёжга мос ҳолатга
келтирилганми?**

-Бугунги кунда талабаларнинг билим ва кўникмаларини амалиёт билан мустақамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар ёшлар ишлаб чиқариш жараёнига талабалик давридан йўналтирилмаса, диплом олганидан сўнг ўз ихтисослиги бўйича ишлаб кетолмаслиги мумкин.

Амалиёт билан уйғунликни таъминлаш мақсадида дуал таълим тизими жорий қилинди. Яъни, талабалар назарий билимларни тегишли ўйналишдаги корхоналарда амалиёт давомида ошириб, профессионал кўникмаларни ривожлаштириб борадилар.

Битирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қилинган сўнги янгиликлардан бири – бу республиканинг 14 та ҳудудидаги 80 та олийгоҳда “Ўзимлиийбанк” АЖНнинг “Келажакка қадам” маркази филиаллари ташкил этилганидир.

Ана шу марказлар орқали 2025 йилнинг ўзида 4 минг 529 нафар битирувчи талабанинг бизнес лойиҳалари 202,1 млрд сўм миқдорида имтиёзли шартларда молиялаштирилади.

“Келажакка кадам” дастури доирасида Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида “TalabaExpo-2025” касб кўргазмаси ташкил этилиб, унда жами 171 минг нафар битирувчи талабалар ҳамда 2 700 дан ортиқ йирик ташкилотлар, тижорат банклари ва тадбиркорлар бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Қувонарлиси, мазкур тадбирларда 17 минг 535 нафар йигит-қиз ўзларига мос иш ўрини топди, 1 минг 806 нафар талаба бизнес лойиҳасини тақдим этиб, тадбиркорликка йўналтирилди.

Шаксиз, олий таълимдаги янги ислохотлар замирида илм-фан йўлини танлаган ҳар бир йигит-қиз учун имконият яратиш, уларни интеллектуал салоҳияти юксак, инновацион ғоя ва ташаббусларга эга кадрлар қилиб тайёрлаш мақсади турибди. Ҳозир дунёда мураккаб вазият ҳукм сураётган бир даврда бу олий мақсаднинг моҳияти ва аҳамияти янада ошган. Унутмайлик, мамлакатнинг бугуни ва эртаси илм-у маърифатли ёшлар қўлидадир.

"Ўзбекистон овози"
мухбири
Фарида МАҲКАМОВА
суҳбатлашди.

ЙИЛ САРҲИСОБИ: СЎЗ - ХДП ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЕТАКЧИЛАРИГА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шундай муҳим паллада партия ташкилотларимиз ва депутатларимиз фаолиятига назар ташласак, ўтаётган йилда улар тажрибасини янада оширгани, сайловчиларга яқинроқ бўлганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Айтиш керакки, жорий йилда белгиланган кўп масалалар ўз ечимини топди, айримлари эса янги йилга қолди. Аммо энг муҳими — бирор муаммо эътиборсиз қолмади. Асосийси, 2025 йил сиёсий ҳаётда ЎзХДП ўринини мустаҳкамлаши, электрот манфаатларини қатъий ҳимоя қилиши учун муҳим бир босқич бўлди.

Янги йил остонасида партиямизнинг вилоятлардаги етакчилари 2025 йилдаги фаолиятига яна бир бора назар ташлашди.

Акмал УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:



— Ҳар бир киши янги йил остонасида ўтган умр оқимига бир назар ташлаб, эзгу ишлар қўламини сарҳисобдан ўтказиши тайин. Тугаётган йил сайловолди ваъдаларни бажаришнинг дастлабки босқичи бўлди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда депутатларимизнинг фаоллиги сезиларли даражада ошди. Сайловчиларимиз билан йил давомида юзма-юз бўлди.

Жорий йилда халқ депутатлари вилоят ҳамда вилоятнинг 22 та туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан партия гуруҳлари йиғилишларида 117 та масала кўриб чиқилди. Сессияларда эса 31 та масала муҳокама этилди.

Масалан, Тошкент вилояти депутатлик гуруҳи томонидан Президентимизнинг 2022 йил 29 июндаги “Маҳаллаларда ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг вилоятдаги ижроси ўрганилди ва ўрганишлар натижаси бўйича сессия кун тартибига киритилди.

Оҳангарон тумани кенгаши томонидан таълим ва тиббиёт соҳаларидаги устувор вазифалар ижроси юзасидан олиб борилган ўрганишлар юзасидан сессия кун тартибига таклиф киритилди. Демакки, сессиянинг қарор қисмида халқ депутатлари Оҳангарон тумани Кенгаши таълим ва тиббиёт соҳаларидаги устувор вазифалар, шунингдек, “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури ижросининг белгиланган муддатда ва сифатли бажарилиши юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирларини амалга ошириб бориши белгилаб берилди.

ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудлардаги дорихоналарда рекламаси тақиқланган дори воситаларини реклама қилиш ҳақидаги қонун талабига риоя этилиш ҳолатлари, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш” йўналиши бўйича 2025 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ижроси бўйича туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан олиб борилаётган ишлар, “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонуни ижроси ўрганилди.

Бундан ташқари, аҳолини

сифатли, йодланган ош тузи билан таъминлаш, қишлоқ жойларда тиббий хизмат сифатини ошириш, рақамлаштириш масалалари, давлатимиз раҳбарининг «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг вилоятдаги ижроси устидан назорат-таҳлил ишларини ўтказдик. Ушбу масалаларнинг барчаси сессиялар кун тартибига киритилди.

Яна бир муҳим ташаббусимиз ҳақида. Кўз-қиш мавсумида аҳолига, истеъмолчиларга сифатли коммунал хизматларни кўрсатиш масаласи бўйича вилоятимизнинг 22 та туман-шаҳрида ўрганиш олиб бордик. Коммунал соҳадаги хизматларнинг сифати ва самарадорлиги устидан назорат ўрнатилди.

Мазкур йўналиш Нурафшон шаҳрида вилоятда коммунал соҳага масъул ташкилотлар мутасаддилари, электрот ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида очиқ муҳокама этилди. Жамоатчилик эшитиш тартибидеги йиғилишда Тошкент вилоятида коммунал хизматлар кўрсатишга масъул идоралар мутасаддилари электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва кўмир таъминоти ҳолати ҳақида ахборотларини тақдим этишди.

Депутатлик гуруҳи фаолияти тўғрисида ва ижобий ҳал этилган муаммолар бўйича юзлаб мисоллар келтирсак бўлади. Тошкент вилояти кенгаши, 22 та туман-шаҳар кенгашлари депутатлик гуруҳлари томонидан 1534 та муурожаат ўрганиб чиқилди. Бу муурожаатларнинг 1242 таси, яъни, 81 фоизи ижобий ҳал этилди. Ушбу муурожаатлар юзасидан мутасадди ташкилотларга 157 та депутатлик сўровлари чиқарилди ва 131 та депутатлик сўровига ижобий жавоб олинди.

Келаётган янги йилда ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари аҳолини ўйлантираётган масалалар бўйича ўз тақлифларини илгари суриши, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросида фаол иштирок этиши зарур.

Қолаверса, партиямиз Сайловолди дастурида иқтисодий илохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, кириб келаётган янги йилда кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз кексаларимиз ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни ҳал қилиш бўйича ташаббусларимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Зеро, инсон манфаати ҳамма нарсадан устундир. Янги йил ҳаммамизга бахт, омад олиб келсин!

Шохрух ЎКТАМОВ, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари, ЎзХДП ёшлар гуруҳи раҳбари:



– Ўтиб бораётган йил давомида Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан аҳолининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчилар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, ҳудудлардаги муаммоларга ечим топиш борасида изчил фаолият олиб борилди. Бу жараёнда партия ташкилотларининг ташаббускорлиги, депутатларнинг

фаоллиги ва жамоатчилик билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди.

Ҳисобот даврида партия томонидан ижтимоий йўналтирилган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, бандликни таъминлаш, айниқса, ёшлар бандлиги масаласида олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозорига интеграцияси, таълимдан четда қолган ёшларни фаол ҳаётга жалб қилиш ҳамда ногиронлиги бўлган ёшлар учун тенг ва адолатли меҳнат шароитлари яратиш масалалари бўйича жамоатчилик эшитиш ҳамда “Ёшлар ва меҳнат бозори: касбий таълимни ривожлантириш йўналишлари” мавзусида конференция ташкил этилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги муаммоларни депутатлик сўровлари ва жамоатчилик эшитувлари орқали кўтариш амалиёти изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида йил бошидан буён эса 24302 нафар ёшлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафида бўлишни танлашди.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ижроси устидан жамоатчилик ва депутатлик назорати кучайтирилди. Сайловчилар билан учрашувлар давомида билдирилган муурожаатлар асосида қатор масалалар жойида ўз ечимини топди. Мазкур жараёнда маҳаллий Кенгаш депутатларимиз томонидан 500 га яқин депутатлик сўровлари юборилди. Шунингдек, 100 га яқин масалалар сессия кун тартибиде муҳокама қилинишига эришилди.

Шу билан бирга, очиқ тан олиш керакки, йил давомида режалаштирилган барча вазифалар тўлиқ амалга оширилди, деб айтиш қийин. Айрим ҳудудларда партия ташкилотларининг ташаббускорлиги етарли даражада бўлмади, сайловчилар билан мулоқотнинг тизимлилиги ва самарадорлигида камчиликлар кўзатилди.

Баъзи муаммолар бўйича депутатлик сўровлари натижадорлиги паст бўлиб қолди, айрим таклифлар амалиётга тўлиқ татбиқ этилмади. Бу ҳолатлар келгусида фаолиятни янада такомиллаштириш, масъулиятни ошириш ва ички интизомни кучайтириш зарурлигини талаб этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, муурожаатларни кўриб чиқишда асосан тушунтириш ишлари ва тегишли ташкилотларга йўлланмалар билан чекланиб қолинган, ҳолбуки депутатлик сўрови орқали муаммонинг моҳиятини чуқур ўрганиш, масъул идораларнинг аниқ жавобгарлигини белгилаш ва ижро назоратини кучайтириш имконияти мавжуд эди. Айрим ҳолларда муурожаатлар мазмунини депутатлик сўрови киритишни тақозо этган бўлса-да, мазкур механизмдан фойдаланилмаган.

Келгусида фуқаролар муурожаатлари билан ишлашда депутатлик сўрови институтидан фойдаланиш амалиётини кучайтириш, ҳар бир муурожаатни мазмунига кўра ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш, депутатлик сўровини киритиш мезонларини аниқ белгилаш ҳамда ижро назоратини тизимли йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, қонунчиликка таклиф ва ташаббуслар ишлаб чиқиш жараёнида маҳаллий Кенгаш депутатларининг иштироки етарли даражада таъминланмади. Бу эса қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ҳудудларда мавжуд реал муаммолар, аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ва амалиётда учраётган мураккаб масалаларнинг тўлиқ инobatга олинишини чеклади, десак муболага бўлмайди.

Қонунчиликка киритилаётган таклифларни тайёрлашда қўйи бўгин маҳаллий Кенгаш депутатларининг амалий тажрибаси ва сайловчилар билан бевоcита мулоқотда тўпланган таклифларидан фойдаланишимиз

лозим. Ҳолбуки, айнан маҳаллий депутатлар аҳоли муаммоларини энг яхши биладиган, қонунлар ижросидаги бўшлиқларни амалиётда кўра оладиган муҳим субъект ҳисобланади.

Келгуси йилда қонунчилик ташаббуслари билан ишлашда «қўйдан юқорига» тамойилини тўлиқ ишга солиб, маҳаллий муаммоларга асосланган таклифлар илгари сурилади. Бу эса қонунларнинг ҳаётийлиги ва ижро самарадорлигини ошириш имкониятларига ижобий таъсир ўтказида.

Келгуси йилда партия фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш асосий мақсад этиб белгиланмоқда. Хусусан, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, депутатлик назоратини кучайтириш ва сайловчилар билан доимий мулоқотни таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолади.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган аниқ ва манзилли таклифларни ишлаб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини ошириш, партиянинг жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлаш йўлида тизимли ишлар олиб бориш режалаштирилган. Энг муҳими, партия электоратининг ишончини мустаҳкамлаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдаги масъулиятни янада оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўтиб бораётган йил партия фаолияти учун муҳим тажриба майдони бўлди. Эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликлар ҳам келгусида янада пухта ва самарали ишлаш учун муҳим сабоқ бўлиб хизмат қилади.

Янги йилга аниқ режалар, масъулиятли ёндашув ва жамоатчилик билан ҳамкорлик руҳида қадам қўяётганимиз партиямиз олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга мустаҳкам замин яратида.

Бадриддин НАСРИЕВ, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:



– 2025 йил ҳам якунига етай деб қолди. Йил якуни сарҳисоб қилинадиган палла. Мана, сайловдан кейин бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўтган вақт ичида ЎзХДП Самарқанд вилояти ва унинг туман (шаҳар) кенгашлари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларимиз томонидан ҳудудимиздаги муаммоларни ўрганишга, уларга ечим топишга ҳаракат қилдик. Давлат дастурига берилган таклифлар асосида ҳудудларни ривожлантириш бўйича бир қатор аҳолини ўйлантириб келаётган масалалар ҳал этилишига эришилди.

Йил давомида партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган “Қувонч ва меҳр улашайлик”, “Имконияти чексиз аёллар”, “Орзулар дунёси”, “Сиёсатдаги ёшлар”, “Саломатлик акцияси”, “Ижтимоий ташаббуслар”, “Имкон”, “Ўзок умр қалити”, “Бир-биримизни қўллаб-қувватлайлик” каби лойиҳа ва акциялар ўтказилди.

Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш ва тушунтириш, партиянинг жамиятдаги ижобий имижини яратиш мақсадида 15 мингга яқин тарғибот, ташвиқот тадбирлари ташкил этилиб, унда 50 мингга

яқин аҳоли вакиллари қамраб олинди.

Шунингдек, “Халқ билан мулоқот – муаммоларни самарали, тезкор ҳал қилиш омили”, “Бандлик: ижтимоий ҳимоянинг муҳим кафолати”, “Депутат ва ёшлар” мавзуларида очиқ мулоқотлар ташкил қилинди.

Сайловчиларнинг партияга нисбатан хайрихоҳлиги ва ишончини оширишга қаратилган амалий ишлар натижасида биргина 2025 йилнинг ўзида партия сафига қўшилишни, у билан бирга бўлишни истаган 140 минг нафар фуқаролар аъзоликка қабул қилинди.

Маълумки, ҳар қандай сиёсий партия ўз дастурий мақсадларини давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатлари орқали амалга оширади.

Бугун маҳаллий кенгашларимизда 95 нафар Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзолари бўлиб, барчасининг халқ орасида ҳам, депутатлар орасида ҳам обрўси, ҳам ҳурмати яхши.

Улар томонидан юборилаётган депутатлик сўровларига мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли тартибда жавоблар олинапти. Аҳоли билан учрашувлардаям энг кўп муурожаатлар ЎзХДПдан сайланган депутатларга йўлланмоқда. Чунки депутатларимиз томонидан ҳар бир кўтарилган муурожаатнинг натижаси аҳолига етказилмоқда ва буни сайловчилар ўз кўзлари билан кўришмоқда.

Самарқанд вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 50 га яқин масала партия гуруҳларида ва доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилинди. Уларнинг 36 таси сессиялар кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳи партиянинг электорати манфаатларини ифода этиш мақсадида бевоcита партиямиз вилоят кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашлари билан узвий алоқада иш олиб бормоқда.

Ўтган даврда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга муҳим қонун лойиҳаларини жойларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш мақсадида «марказ – вилоят – туман» тизими асосида бир қатор қонун лойиҳаларига асосли ва ўткир таклифлар берилди.

ЎзХДП вилоят кенгашининг кириб келаётган янги йилда ҳам режалари бисёр. Хусусан, давлат дастурлари, партиянинг Устави, Сайловолди дастури, 2026 йилга мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор берамиз. Партия сафига янги аъзоларни қабул қилиш, улар билан ишлаш ҳамда ҳисобини юришти фаолиятини тубдан такомиллаштириш, партия сафини янги аъзолар билан тўлдириш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Партиямизнинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури ижросини таъминлашни изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ЎзХДП Самарқанд вилояти кенгаши номидан кириб келаётган янги йил билан барча юртдошларимизни самимий табриклаймиз. Юртимиз тинч, халқимиз фаровон бўлсин. Ватанимиз янада тараққий этсин. Оилаларда ҳар доим тинчлик-хотиржамлик, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари ҳукмрон бўлсин!

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Лазиза ШЕРОВА
ёзиб олди.**



СУРУР



Элпарвар ва юртпарвар инсонлар сафи кенгаётгани қувонарли. Ана шундай олижаноб юртдошларимизнинг саяё-ҳаракати билан соҳа ва йўналишлар тараққий этапти. Ривожланиш ва янгилашлар бўй кўрсатаётганини ҳар қадамда кўриш мумкин. Бу эса халқимизнинг эртанги кун ва келажакка бўлган ишончини ошираётгани шубҳасиз. Орзулар сари етаклаётгани ҳаётий ҳақиқат.

ҚАДИМ СҮРХОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Муродбек ДАВЛАТОВ, Сурхондарё вилояти ҳокимилиги ахборот хизмати раҳбари:

– Бугун мамлакатимизнинг қай бурчагига қараманг, замонавий иншоотлар, ўзига хос фусункорлик касб этган таълим муассасалари, ажойиб тиббиёт масканлари, жаҳон талабларига жавоб берадиган спорт иншоотлари қад ростламоқда. Шунга монанд Сурхондарё вилоятида ҳам тарихий ўзгариш ва оламшумул ислохотлар амалга оширилаётгани қувонарли. Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 50 триллион сўм бўлгани ҳам бунинг ёрқин ифодасидир. Бунинг учун рақобатбардош ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш доимий эътиборда. Чарм, фармацевтика, заргарлик, керамика, сендвич панел ва бўялган мато тайёрлаш йўлга қўйилгани айти мудоа бўлмоқда. Мазкур йўналишларда 2,2 миллиард доллар хориж инвестицияси жалб қилинган ҳолда 4 мингдан ортиқ мажмуа фойдаланишга топширилгани таҳсинга сазовор.

Янги ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ қилинаётгани ижобий натижа бераётгани шубҳасиз. Термиз туманида “Термиз” эркин иқтисодий зонаси ташкил қилинган бўлса, Денов ва Бандихон туманларида филиаллар иш бошлади. Сарийосиё туманидаги “Шарғун” махсус sanoat зонасида филтёр, қоғоз, тиббиёт маҳсулотлари ва суюқликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Яқин келажақда 300 минг тонна кўмирни қайта ишлаш имконияти яратилади. Хайрли ишлар натижасида 2 мингга яқин хотин-қиз ва қишлоқ ёшларининг бандлиги таъминланиши режалаштирилган.

Сурхондарёнинг иқлими ўзгача. Табиати фусункор ва ҳавас қилгулик. Она заминдан йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳосил олиш мумкин. Бу эса нафақат пахта ва ғаллачиликни ривожлантириш, балки, томорқачиликни яхшилашнинг кафолати бўлаётгани муқаррар. Ҳозирги кунда вилоятда 425 мингга яқин хонадон бўлса, 49 минг гектардан ортиқ томорқалар мавжуд. Жорий қишлоқ хўжалиги йилида миришкор деҳқон ва соҳибкор ер эгалари 2 миллион 500 минг тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиргани бозорлар тўқинлигининг кафолати бўлмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳар бир давр ва ҳар бир замонда устуворлик касб этган. Жорий йилда 4 минг 220 дан ортиқ киши янги иш жойларига эга бўлган бўлса, 17 минг 620 дан зиёд юртдошларимиз ўз тадбиркорлигини бошлагани таҳсинга сазовор. Минглаб ёшларнинг касб-ҳунарга жалб қилингани қувонарли. Бунинг учун “Сайхунобод тажрибаси”, “Уйчи тажрибаси” ва бошқа лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилгани ижобий натижа берапти.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида диёрга бир неча сайёҳ ташриф буюрган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 3 миллион нафардан орди. Меҳмонларнинг асосий қисмини Россия, Чехия, Япония, Афғонистон, Туркия, Хитой, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар вакиллари ташкил қилган. Уларга қўлай шароит яратиш мақсадида 300 тага яқин меҳмонхона, хостел ва меҳмон уйлари фаолияти йўлга қўйилган бўлса, яқин келажақда хизматлар турини янада кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Поёнига етаётган йилда 108 та мактаб ва мактабгача таълим

даргоҳи ҳамда 41 та соғлиқни сақлаш муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қарийб 640 километрга яқин автомобиль йўли барпо қилинган бўлса, 285 километр ичимлик суви тармоғи тортилган. Бу борада бориш қийин бўлган ҳудудлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Денов туманидаги “Оламжаҳон” маҳалласи ана шундай чекка манзиллардан ҳисобланади. Вилоят марказидан 200-220 километр олисда жойлашган ҳудудда 750 дан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Юртдошларимизни бир асрга яқин обихаёт муаммоси қийнаб келган. Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили муносабати билан кўп йиллик орзулар ушалди. Қарийб 700 нафарга яқин аҳоли ёки 103 та хонадонга бебаҳо неъмат кириб боргани қўшалок шодиёнага айланиб кетди. Бунинг учун 80 тонна сув сигимига эга махсус бетон ҳовуз барпо қилиниб, қарийб 25 километрга 76 миллиметрли елим қувур ётқизилгани айти мудоа бўлди. Бундай ўзгариш ҳамда янгилашлар халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим ўрин тутиши табиий. Мамлакатимизда амалга

ўрин тутди. Нефть, газ, кўмир, полиметал, ош тузи, гипс каби қатор конлар ўзлаштирилаётгани қувонарли. Термиз шаҳри, Жарқўғон, Қумқўрғон, Шўрчи, Денов, Сарийосиё, Ангор, Бандихон, Бойсун ва бошқа туманларда йирик ишлаб чиқариш мажмуалари қад ростлаётгани аҳоли бандлигини таъминлаш кафолат бўлаётгани шубҳасиз.

Сарийосиё туманидаги “Хонжиза” кони Марказий Осиёдаги ана шундай йирик мажмуалардан бири ҳисобланади. Дастлабки ўрганишларда қирқ квадрат километрли эгаллаган майдонда 1,5 минг тонна рух, 180 минг тонна мис, 700 минг тонна кўрғошин, 2,3 минг тонна қумуш ва бошқа ноёб маъдан захиралари борлиги аниқланган. Лойиҳа қиймати 71,2 миллион долларни ташкил қиладиган жавоҳирлар қўшма мажмуалари қад ростлаётгани мақонида 900 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қиладиган бўлса, йилга 650 минг тоннадан ортиқ руда қазиб олинмоқда.

Денгиз сатҳидан 2,5-3 минг метр баландда жойлашган тоғ қишлоқлари 9-10 аср олдин пайдо бўлган. Давр ва замонлар ўтиши билан халқимиз кўпая бошлади. Ҳозирги кунда “Кенгузар”, “Нилу”,

яхшиланиб, йўл, транспорт ва коммуникация соҳаларида ўзгаришлар қўзғатилмоқда. Экотуризм, ички туризм, агро туризм, гастрономик туризм, экстремал туризмга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқин келажақда гўшалар янада жозибали, янада тароватли ва янада мафтункор манзилларга айланишига шубҳа йўқ.

Ҳасан МИРЗАЕВ, Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши раиси:

– Президентимиз 2019 йилнинг 17 октябрида Сурхондарёга ташрифи чоғида Денов туманида бўлиб, ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шунга асосан, 2020 йилнинг 9 апрелида давлатимиз раҳбарининг «2020-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қисқа даврда хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, йўл-транспорт, электр энергияси, газ таъминоти, ичимлик

ташкил қиладиган 150 ўринли минтақавий болалар шифохонаси барпо қилинса, тоғли “Сина” да ҳудудий туғуруқ бўлимини реконструкция қилиш учун 4 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган. Бундай янгилаш ва ўзгаришлардан халқимиз манфаат кўрмоқда. Одамларнинг қўнғида яратувчанлик ҳамда бунёдкорлик туйғулари жўш ураётгани табиий.

Яззонқул ҲАЙИТҚУЛОВ, меҳнат фаҳрийси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби:

– Саксон тўрт ёшдаман. Эллик йилга яқин раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилдим. Тўғриси айтиш керак, яқин-яқингача халқимизнинг турмуши ниҳоятда оғир эди. Айниқса, уй-жойи йўқларнинг азоб чеккани аччиқ ҳақиқат. Кейинги йилларда эса муаммолар ечим топаётганини кўриб турибмиз. Масалан, 2016 йилда вилоят бўйича 1258,5 минг кв.м арзон уйлар фойдаланишга топширилган бўлса, 2017 йилда 13 та туманининг 20 та массивидаги 1 минг 9 та уйларда ҳовли тўйларни ўтказилганди.

Халқимизнинг бир қисми узоқ йиллар тоза ичимлик сувидан қўйналиб келган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва томорқалардан фойдаланишда муаммолар кўзга ташлангани бор гап. “Тўпаланг” сув омборидан обихаёт келтирилгани муаммолар ечимида айти мудоа бўлди. Бунинг учун қарийб 158,2 километр магистраль ва 227,9 километрдан ортиқ қувур тортилиб, 1 миллион 700 минг нафардан ортиқ киши тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди.

Ҳозирги кунда Сурхон элининг 1 миллион нафардан ортигини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ҳар йили минглаб ўғил-қизлар мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Шу мақсадда жойларда sanoat зоналарининг ташкил қилинаётгани айти мудоа бўлмоқда. Денов туманидаги “Қўзичоқли” маҳалласи ҳудудида иш бошлаган “Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонаси” ана шундай салоҳиятли мажмуалардан ҳисобланади. Қарийб 1 гектарни ташкил қиладиган ҳудудда 61 та лот бўлиб, йигирмага яқин тадбиркор фаолият юритмоқда. Юз нафардан ортиқ йигит-қизларнинг бандлиги таъминланган. Ўн турдан зиёд қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва нозиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллий бозорларни тўлдирди билан бир қаторда Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа хорижий мамлакатларга жўнатиляпти.

Шу ўринда вилоятнинг экспорт салоҳиятига ҳам қисқача тўхталмоқчиман: сўнгги 8 йилда sanoat маҳсулотлари экспорти 4,5 баробарга ошган бўлса, мева-сабзавот улуши 2 ҳиссага кўпайган. Жорий йилда эса 460 миллион доллар ёки 150 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 162 миллион долларга кўп, демакдир.

Қадим Сурхон воҳасида амалга оширилаётган бундай бекиёс ўзгаришларни санаб адоғига етиш қийин. Янгилаётган диёрнинг тобора фусункорлик касб этаётгани фахр-ифтихор ҳиссини уйғотмоқда. Одамларнинг эртанги кун ва келажакка бўлган ишончи ошаётгани шубҳасиз. Халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлидаги ана шундай бунёдкорликлар бардавом бўлсин.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам аслида, шунга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Алишер ПАРДАЕВ, Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги ХДП гурӯҳи аъзоси:

– Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир, деб ёзганди таникли адиб Абдулла Қодирий. Шунга монанд, воҳанинг яқин ўтмишига назар ташлашни лозим топдим: истиклолгача жанубий диёрда собиқ тузумдан қолган бир неча завод ва фабрика бўлган, холос. Иқтисод қолоқлик ботқоғига табиб, халқнинг турмуш кечириши ниҳоятда танг аҳволда қолганди.

Янги замон шарофати билан Швейцария, Малайзия, Хитой, Россия, АҚШ, Япония, Корея, Англия, Франция каби ривожланган мамлакатлар билан қўшма корхоналар ташкил қилинди. Ҳамкорликда ҳикмат кўп деганларидек, 2017-2024 йилларда жами 2,7 миллиард доллар сармоя ўзлаштирилган бўлса, жорий йилнинг ўзида бу кўрсаткич 2,1 миллиард доллардан ошгани таҳсинга сазовор.

Воҳа иқтисодиётида “Шарғункўмир”, “Хўжаикон туз” акциядорлик жамиятлари, “Хонжиза” кон-бойитиш мажмуаси, “Тўпаланг” сув омбори муҳим

“Хонжиза”, “Сангардак”, “Чош”, “Боғча”, “Дебодом” каби маҳалла ҳамда гузарларда 30 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Яқин-яқингача шароит ниҳоятда оғир эди. Одамлар қишда лой, ёзда эса ўйди-чуқур йўллардан юришга мажбур бўлган. Қор қалин тушганда уловлар тўхтаб қоларди.

Шулар инобатга олинган ҳолда дастлаб 50 километрдан ортиқ йўлга асфальт қопламаси ётқизилган бўлса, айти кўнларда қўшни Қашқадарё вилоятигача бўлган 78 километрли автомобиль йўли қурилиши изчиллик билан давом этмоқда. Бунёдкорликнинг лойиҳа қиймати 223,3 миллиард сўм бўлиб, 2027 йилда яқунланиши кўзда тутилган. Бу пойтахтимиз Тошкентгача бўлган масофани 212 километрга қисқартириши баробарида, юк ва йўловчи ташишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳудуднинг сайёҳлик салоҳияти юксалиб, ўнлаб янги иш жойлари дунёга келиши шубҳасиз.

Сурхон воҳасининг шимолий шарқида жойлашган ғаройиб маконлар серсүв булоқлари-ю ноёб чашмалари билан ном қозонган. Ўзига хос фауна ва флора олами вакиллари билан донг таратгани табиий. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Сангардак”га туризм қишлоғи мақоми берилган бўлса, “Хонжиза”да сайёҳлар учун қатор қўлайликлар яратилаётганини хайрли ишларнинг давомига қиёслаш мумкин. Чекка манзилларда сервис хизмати

суви, канализация ва бошқа йўналишларда жами 350 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Бундан ташқари, ахборот-коммуникация, мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, ободонлаштириш, кўп қаватли уй-жойлар қуриш, иситиш тизими каби йўналишларда 140 га яқин лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинди.

Эзгу амал ва хайрли ишларнинг босқичма-босқич давом этаётгани қувонарли. Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида Заҳириддин Мухаммад Бобур номли маҳаллада жаҳон талабларига мос “Ёшлар сайилгоҳи” барпо этилиб, 1 минг 200 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган бўлса, “Номозгоҳ”да узунлиги – 300, эни эса 21 метрли кўприкнинг иш бошлагани нафақат Денов, Шўрчи, Олтинсой, Сарийосиё ва Узун туманларида истиқомат қиладиган 1 миллион нафардан ортиқ аҳоли, балки, қўшни мамлакатлар халқлари учун ҳам айти мудоа бўлди.

Жорий йилда туманда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1 триллион 324,1 миллиард сўмдан ошди. Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида 56,3 миллион доллардан ортиқ инвестиция жалб қилингани ривожланишнинг мустаҳкам пойдевори бўлмоқда.

Саломатлик бебаҳо бойлик ҳисобланади. Деновда лойиҳа қиймати 15 миллиард сўмни

ҒАЛАБА РУҲИ ЯШАЙДИГАН ЗАМИН:

Ўзбекистон спортидаги натижа ва ғалабалар ҳақида



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бу ҳаракатда ҳар бир ёшнинг орзуси, ҳар бир мураббийнинг меҳнати ва ҳар бир ғалабанинг замирида давлат қўллаб-қувватлови бор.

Бугун Ўзбекистон спорти — аниқ стратегия ва изчил ислохотлар асосида ривожланаётган устувор йўналишга айланди. Бу эса натижаларда ҳам, оммавийликда ҳам ўз аксини топмоқда.

Бугун Ўзбекистон спорти — фақат чемпионлар эмас, балки соғлом турмуш тарзини танлаган миллионлаб фуқаролар ҳаракатидир. У жамиятда фаоллик, интизом ва ҳаётга ишончни мустаҳкамламоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун Ўзбекистон спорти — имконият, меҳнат ва натижанинг уйғунлигидир.

СПОРТ — ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

Спортга қизиқиш, ботирлик ҳалқимизнинг қонида бор. Азал-азалдан мардлик, куч ва сабр боболаримиз ҳаётининг ажралмас қисми бўлган. Бугун эса бу фазилатлар замонавий спорт майдонларида янги мазмун касб этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган. Шу маънода спорт соҳаси тубдан янгиланиб, давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланмоқда.

Янги Ўзбекистонда бошланган эврилишларнинг илк мақсади ҳалқимизни жўшқин муҳит, фаол ҳаёт ва катта мақсадлар сари етаклаш бўлди. Ана шу руҳ бугун жамиятнинг барча соҳаларида, хусусан, спортда яққол зухур этмоқда.

Давлат бюджети ҳисобидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасига ажратилаётган маблағлар сўнгги йилларда бир неча баробарга ўсди. Бу маблағлар, аввало, инфратузилмани яхшилаш, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини қўллаб-қувватлаш, мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга йўналтирилмоқда. Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишларимиз натижасида ўғил-қизларимиз мунтазам шуғулланадиган спорт турларининг сони кескин равишда ошиб бормоқда.

Аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилди. Шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт мажмуалари бунёд этилди.

Бугун республика бўйича ўн минглаб спорт иншоотлари фаолият юритмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларда барпо этилган спорт майдончалари аҳолининг барча катламлари учун жисмоний тарбия билан шуғулланиш имкониятини яратди. Натижада спорт энди фақат профессионаллар эмас, балки оммавий ҳаёт тарзига айланиб бормоқда.

Шерзод ОЛИМОВ,
Спорт вазирлиги оммавий спортни ривожлантириш бўлими бошлиғи:

- Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аҳолининг спорт билан мунтазам

шуғулланиш кўрсаткичи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айниқса, мактаб ўқувчилари ва талабалар ўртасида спорт тўғрақлари ва мусобақалар қамрови кенгайди.

Профессионал спортчилар захирасини шакллантириш бўйича мутлақ янги тизимга асос солинди. Хусусан, Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолияти янгиланди.

Ўзбекистон спорти халқаро майдонда ҳам ўз сўзини айта бошлади. Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида қўлга киритилаётган ўнлаб медаллар мамлакат спорт сиёсати самарадорлигининг яққол исботидир.

Муҳим жиҳат шундаки, спортга қаратилаётган эътибор фақат натижа учун эмас, балки ижтимоий мақсадларга ҳам хизмат қилмоқда. Ёшларни спортга жалб этиш орқали уларни соғлом турмуш тарзига ундаш, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш ва турли салбий иллатлардан асрашга эришилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон спорти — бугун давлат томонидан аниқ режа, молиявий қўллаб-қувватлаш ва узоқни кўзлаган стратегия асосида ривожланаётган соҳа. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар эртанги кунда соғлом, фаол ва юксак натижаларга қодир авлодни вояга етказишга хизмат қилади.

2025 ЙИЛДАГИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛИКЛАР

Бугунги кунда спорт мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини ҳам ифодалайди. 2025 йил Ўзбекистон спорти учун тарихий аҳамиятга эга бўлиб, соҳада бир қатор муҳим ўзгаришлар ва янгиликлар рўёбга чиқди. Келинг, таҳлилларга назар ташлаймиз.

Эътиборли ютуқларимиздан бири, Тошкентда Олимпия шаҳарчаси қуриб, битказилди. Унинг қурилишига 2022 йил 9 ноябрда тамал тоши қўйилган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари Олимпия шаҳарчаси ҳалқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланиши, меъморий жиҳатдан мукамал, энергия тежамкор ва энг илғор инновацион ечимларни мужассам қилган замонавий мажмуа бўлишини таъкидлаганди.

Шундай ҳам бўлди – қисқа вақт ичида 100 гектардан зиёд майдонда мухташам мажмуа қад ростлади. Қарийб 290 миллион долларлик ушбу ноёб лойиҳа "CAMC Engineering" компанияси томонидан халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилди. Шаҳарчада 5 та асосий спорт мажмуаси жойлашган.

Давлатимиз спорт инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратмоқда. Янги спорт мажмуалари, мактаб ва маҳалла спорт заллари қурилди, шу билан аҳолининг жисмоний фаоллик имкониятлари кенгайди. Маълумотларга кўра, 2025 йилда оммавий спорт билан шуғулланувчи фуқаролар сони 10 миллиондан ошди.

Бокс, оғир атлетика ва кураш каби йўналишларда миллий жамоа халқаро аренада етакчиликни сақлаб қолди. Жаҳон кубоғи босқичларида 6 нафар боксчи икки марта ғолибликни қўлга киритди.

Футбол соҳасида эса Ўзбекистон терма жамоаси биринчи марта FIFA жаҳон кубоғига чиқди. Шунингдек, 2027 йилда U 20 жаҳон кубоғини Ўзбекистон ва Озарбайжон билан биргаликда қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ЮТУҚЛАР

Жорий йилда Ўзбекистон миллий терма жамоаси олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича катта ютуқларга эришди. Мамлакатимиз спортчилари 250 дан ортиқ нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишди.

Хусусан, III ёшлар Осиё ўйинлари, VI Ислон бирдамлиги ўйинлари, шунингдек, Олимпия спорт турлари бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Осиё ва жаҳон кубоклари ҳамда "Гранд-При", "Гранд-Слам" каби нуфузли мусобақаларда 500 дан ортиқ спортчи қатнашди.

Миллий терма жамоа аъзолари дзюдо, таэквондо, қиличбозлик, гимнастика, синхрон сузиш, сузиш, эркин кураш, аёллар кураши, юнон-рум кураши, академик эшак эшиш ва оғир атлетика каби спорт турлари бўйича 19 та жаҳон чемпионатларида иштирок этишди. Уларнинг меҳнати натижасида 593 та медаль қўлга киритилди.

Шу билан бирга, кураш спорт тури бўйича дунёда машхурликни ошириш, уни турли қитъавий ва минтақавий олимпия ўйинлари дастурига киритиш, ёшлар ва катталар ўртасида кураш билан мунтазам шуғулланишни ривожлантириш мақсадида ҳам салмоқли ишлар олиб борилди.

- 2025 йилда дунё бўйлаб кураш спорт тури бўйича 8 та халқаро мусобақа ташкил этилди, – дейди **Спорт вазирлиги бошқарма бошлиғи Миржамол Юнусов**. - Улар орасида Тожикистонда халқаро турнир, Туркменистонда кураш чемпионати, Вунг Тау шаҳрида (Вьетнам) биринчи миллий пляж кураши чемпионати, Анянг шаҳрида (Корея) Корея чемпионати каби йирик мусобақалар бор. Мазкур тадбирларда жами 1 812 нафар курашчи иштирок этди.

Шунингдек, спорт таълим муассасалари ва футбол академияларида ҳам фаоллик оширилди. Ҳозирда спорт таълим муассасалари, футбол академиялари ва профессионал футбол клублари қошидаги академияларда 32 333 нафар ёшлар шуғулланмоқда. Бу кўрсаткич спорт соҳасида оммавийликнинг қанчалик кенгайганини кўрсатади.

Миллий терма жамоаларнинг халқаро майдондаги ютуқлари, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши ва курашни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар мамлакат спортини янги босқичга кўтармоқда.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СПОРТЧИЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

2025 йилда Ўзбекистонда миллий терма жамоалар учун юқори малакали ва натижадор спортчилар тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилди.

Шу йилда Спорт вазирлиги тизимидаги спорт таълим муассасаларида 27 167 нафар разрядли ва унвонли спортчилар тайёрланди. Бунинг 26 707 нафари разрядли, 460 нафари эса унвонли спортчилар бўлиб, сони 14,5 фоизга ошди.

Ҳудудлар кесимида эса энг кўп спортчилар Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида тайёрланди — мос равишда 3 163 ва 3 281 нафар, шу билан бирга Бухоро вилоятида 2 900, Сирдарёда 2 527, Тошкент вилоятида 2 038 нафар спортчилар етишиб чиқди. Қолган ҳудудларда ҳам спортчилар сони

Қорақалпоғистонда 1 636, Андижонда 1 579, Жиззахда 1 096, Қашқадарёда 1 384, Навоийда 1 473, Наманганда 1 587, Самарқандда 1 641, Хоразмда 1 608 ва Тошкент шаҳарида 1 254 нафарни ташкил қилди.

Спортчиларга спорт унвонлари ва разрядларини бериш жараёни ҳам самарали олиб борилди. 11 ой ичида жами 6 385 та ҳужжат кўриб чиқилиб, шу йил давомида 1 910 спортчи унвонга эга бўлди.

Бугунги кунда ушбу ишлар миллий терма жамоаларни халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишга тайёрлаш, ёшларни спортга жалб этиш ва мамлакатимизда спорт соҳасини янада ривожлантиришда муҳим қадам ҳисобланади.

СПОРТЧИ ЁШЛАР СЕНИ РЕКОРД ДАРАЖАГА ЕТДИ

- Илгари бугунгидай замонавий спорт иншоотлари, шароитлар, сузиш ҳавзалари, теннис кортлари ёки гимнастика заллари етти уҳлаб тушимизга ҳам кирмас эди. Бугунги шароитларни қаранг, киши фахрланиб кетади. Сўнгги йилларда ушбу соҳага қаратилган катта инвестициялар ва кенг имкониятлар мамлакат спорт салоҳиятини янги босқичга олиб чиқмоқда, – дейди **Спорт вазирлиги Спорт мактаблари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Музаффархўжа Раҳматхўжаев**. - 2025 йилда спорт таълим муассасаларига 58 482 нафар иқтидорли ёш қабул қилинди, натижада мунтазам шуғулланувчилар сони 11,5 фоизга ошди. Бу эса халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини химоя қиладиган тоифали ва унвонли спортчиларни етиштириш учун мустаҳкам замин яратди.

Мамлакат бўйлаб 200 дан ортиқ янги спорт секциялари очилди, машғулот заллари ва майдончалар замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Натижада спорт билан шуғулланувчи ёшлар ва аҳолининг саломатлик тадбирлари билан қамраб олиниши 12 миллион нафарга етди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда спорт таълими тизими янги босқичга кўтарилди: минглаб иқтидорли ўғил-қизлар замонавий шароитда тайёрланмоқда, мураббийлар салоҳияти оширилмоқда ва ҳар бир ҳудуд спортни ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар билан банд.

2025-ЙИЛГИ ОСИЁ ЁШЛАР ЎЙИНЛАРИДА ТАРИХИЙ НАТИЖА ҚАЙД ЭТДИ

2025 йилда Ўзбекистон ёш спортчилари Осиё ёшлар ўйинларида ҳақиқий тарихий натижа кўрсатди: улар 37 та олтин, 16 та кумуш ва 28 та бронза медалини қўлга киритиб, умумий медаллар рейтингида Хитойдан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Бу нафақат юртимизнинг халқаро аренадаги обрўси, балки ёшлар спортини ривожлантиришдаги муваффақияти сифатида тарихга кирди.

Жамоанинг энг кучли натижалари кураш ва оғир атлетикада бўлди. Дзюдо бўйича спортчиларимиз 7 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза, оғир атлетикада эса 7 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза медални қўлга киритишди. Курашчиларимиз ҳам жамоага 3 та олтин, 2 та кумуш ва 8 та бронза медалини совға қилди. Боксчилар эса 5 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза билан ёрқин ҳисса қўшди.

Бошқа спорт турларида ҳам ўзбек ёшлари сезиларли натижаларни кўрсатди. 2013 йилда Хитойда бўлиб ўтган Осиё ёшлар ўйинларида Ўзбекистон фақат 8 медаль (1 олтин, 2 кумуш, 5 бронза) билан 14-ўринни эгаллаган эди. 2025 йилда эса медаллар сони қарийб 10 баробар ошди ва жамоа иккинчи ўринга кўтарилди.

Бугун минглаб ёшлар спорт мактаблари ва академияларда машқ қилиб, нафақат жисмоний тайёргарликни оширмоқда, балки ирода, сабр ва муваффақиятга эришиш қобилиятини ҳам ривожлантирмоқда.

Мамлакат бўйлаб очилган юзлаб спорт секциялари, замонавий заллар ва майдончалар соғлом турмуш тарзига қизиқишни кучайтирди. Шу орқали ҳар бир шаҳар ва туманда спорт билан шуғулланувчи ёшлар сони рекорд даражага етди, уларнинг орасида келажакда миллий ва халқаро ареналарда юртимизнинг шарафини химоя қиладиган юқори тоифали ва унвонли спортчилар ҳам етишиб чиқмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон спорти энди нафақат ғалабалар ва медаллар, балки ҳар бир оила ва ёш учун илҳом, юртимиз келажағи ва соғлом авлод рамзига айланди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ХАР ҚАНДАЙ ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ ҚАТЎИЙ КУРАШИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тизимда 2025 йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижа ва олдинда турган долзарб вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил қилинди.

Анжуман аввалида ИИВ Ахборот хизмати раҳбари Шохрух Ғиёсов соҳада очиқликни таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг ички ишлар вазири ўринбосари – Тергов департаменти бошлиғи Рамазон Ашропов мавзу юзасидан кенг жамоатчиликка ахборот берди.

– Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизим ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди, – деди Р. Ашропов. – Ҳозирги кунда дунёда авж олаётган таҳликали бир шароитда юртимизда тинчлик ва хотиржамлик муҳитини сақлашда бу жуда муҳим.

2025 йил якунлари кўрсатадики, ҳисобот даврида Ўзбекистонда жиноятчиликнинг асосий кўрсаткичларида пасайиш кузатилган. Барча оғир турдаги жиноятлар, жумладан, қотиллик ҳолатлари ҳам сезиларли камайган. Шу билан бирга, қасддан баданга оғир шикаст етказиш 860 та, ўғрилик 10 154 та, талончилик 389 та, босқинчилик 119 та, фирибгарлик 7 565 та, безорилик 2 063 та ҳолатда қайд этилган. Йўл-транспорт ҳодисалари сони 8 минг 738 тага етган.

Ижтимоий гуруҳлар кесимида ҳам ижобий динамика мавжуд. Хусусан, ёшлар, вояга етмаганлар иштирокидаги ва аёллар, муқаддам судланганлар, ишсизлар томонидан содир этилган жиноятлар бирмунча камайган. Лекин кўнгилни хира қиладиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Маълумотга кўра, 2025 йилда номусга тегиш жинояти 6 фоизга ошган.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон хотин-қизларни таъзия қил ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилган Марказий Осиёдаги биринчи давлат ҳисобланади. Аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш борасида қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши мурасасиз муносабатни мустаҳкамлаш, ҳар бир қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлаш борасида қучайтирилган форматдаги ишлар олиб борилиши маълум қилинди.

Яна бир муаммо – наркожиноятлар сони ҳам, афсуски, камаймаётир. Сўнгги беш йилда ноқонуний муомаладан олинган синтетик гиёҳвандлик воситалари миқдори йигирма бараварга, қучли таъсир қилувчи дори воситалари тўққиз бараварга ўсган бўлса, оғир турдаги гиёҳвандлик воситалари (героин, опий,

гашиш)нинг ноқонуний айланмаси уч бараварга ошган.

Интернет тармоғи ёрдамида гиёҳвандлик воситалари савдоси кўпайиб, жорий йилнинг ўтган даврида ҳар учинчи наркожиноят глобал тармоқ ёрдамида содир этилган. Бу борадаги жиноий гуруҳларни аниқлаш, чегарадаги ишларни қучайтириш, ҳар бир давлат идораларининг масъулиятини ошириш, наркожиноятларга қарши курашишда янгича иш услубларини жорий этиш юзасидан тизимли чора-тадбирлар белгиланди.

2021-2025 йиллар давомида мингдан зиёд уюшган гуруҳлар таркибидаги 4 минг 217 нафар шахс томонидан 5 минг 358 та жиноят содир этилгани аниқланиб, фаолиятига чек қўйилди. Улар мулкий, иқтисодий, жамоат тартибини бузиш, шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши, коррупциявий, мансабдорлик, гиёҳвандлик, одам савдоси, терроризм каби жиноятлар билан шугулланиб келган.

Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш барча раҳбарлар учун устувор вазифа этиб белгиланди. Криминоген вазият оғир деб топилган 1 235 та маҳалла туман-шаҳар раҳбарларига бириктирилди. Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 419 та маҳаллани ўз ичига олган 84 та “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани” фаолияти йўлга қўйилди. Бундан қўзланган мақсад ушбу масканларда ходимларнинг хизмат самарадорлигини ошириш, тезкорлигини таъминлаб, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришдан иборат. Мана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида 39 фоиз ёки 3 минг 503 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмагани эътиборга молик.

Бундан ташқари, тизимда очиқликни таъминлаш билан боғлиқ йўналишда коррупция ва бошқа салбий ҳолатларга барҳам бериш учун “Бурчга садоқат” лойиҳаси, криминоген вазияти оғир, “қизил” тоифада бўлган маҳаллалар бўйича “Қизил ҳудуд” лойиҳаси йўлга қўйилган. Кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари ва аҳоли гавжум жойларда “SOS” ташвиш тугмаларининг ўрнатилиши натижасида 10 минг 450 жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди.

Анжуманда масъуллар томонидан инспекторлик текшируви натижасида жиддий камчиликларга йўл қўйган 71 нафар ходим, шундан 57 нафар раҳбар интизомий жавобгарликка тортилгани, 29 нафар раҳбар эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда сусткашликка йўл қўйган 108 нафар ходим интизомий жазолангани айтиб ўтилди.

Тоштемир Худойқулов,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ҲАМКОРИМИЗ

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ:

АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ



Бугунги кунда мамлакатимизда миллий банк тизими аҳоли учун қулай ва ишончли соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Бунинг асосида капитал бозорини янада ривожлантириш ҳамда банк соҳасида халқаро стандартларни жорий этишни жадаллаштириш юзасидан давлат раҳбари ҳузурида ўтказилган тақдирот чоғида қайд этилган натижалар ҳам тасдиқланди. Хусусан, сўнгги етти йилда тижорат банкларининг активлари 5,3 баробар ўсиб, 877 триллион сўмдан ошди. Банклар сони 35 тага етди ва 3 та хорижий банк фаолияти йўлга қўйилди. Ўз навбатида, аҳолига таклиф этилаётган замонавий хизматлар жозибадорлиги ошиб, соғлом рақобат муҳити юзага келди. Бу эса миқозларда танлаш имкониятини ошираётгани билан аҳамиятлидир.

Миллий матбуот марказида “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан “Аҳолига тақдим этилаётган чакана хизматлар: сарҳисоб ва режалар” мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз борди. – Миқозлар учун янги маҳсулот ва қулай хизматларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Чакана бизнес департаменти директори Умид Алимов. – Банкнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси уч асосий йўналиш – миқоз, маҳсулот ва қаналарга таянади.

Бундан ташқари, ҳозирда юртимиз бўйлаб банкимизнинг 1 та ипотека маркази, шунингдек, 60 та банк хизматлари офиси ҳамда банк хизматлари марказлари мавжуд бўлиб, миқозлар учун 539 та банккомат ташкил қилинган. Биргина 2025 йилнинг ўзида 24 та янги хизматлар жорий қилиш

ҳисобига чакана бизнес йўналишидаги маҳсулотлар сони 49 тага етказилди.

1 декабрь ҳолатига жами ажратилган чакана кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 83 фоизга ўсиб, 3 триллион 949 миллиард сўмга етди. Аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар ҳажми ҳам сезиларли ошди.

Банк томонидан ҳисобот даврида 152 мингдан ортиқ НУМО, 118 мингдан зиёд UzCARD ва 41 мингдан ортиқ Visa карталари муомалага чиқарилди. Аҳамиятлиси, онлайн микроқарзлар, онлайн омонатлар ҳажмидаги ўсиш суръати салмоқли бўлди.

– Сўнгги йилларда банк соҳасида ислохотлар натижасида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифат ва имкониятлари анчайин яхшиланди, – дейди “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Чакана бизнес бош директори Феруз Хўжаев. – Тижорат банклари активлари 5,3 баробар ўсди, бу эса миқозлар учун хизматларнинг барқарор ва ишончли бўлишига асос яратди. Шу билан бирга рақамли хизматлар ривожланиши аҳолига қўшимча қулайликлар тақдим этди. Жорий йилда бу соҳада 24 та янги маҳсулот ва хизматлар жорий қилинди. Кредит маҳсулотлари, омонатлар, банк карталари, халқаро пул ўтказмалари ва SWIFT хизматлари шулар жумласидан. Бу ўз навбатида миқозлар учун кенг танлов имконини беради ва рақобатбардош муҳитни таъминлайди. “BRB Mobile” иловаси орқали миқозлар сони 682 мингдан ошди.

Анжуманда мазкур илова ҳамда “Mening Buyurtmam” платформаси имкониятлари, янги “Chempiron” ва “Sherdor” карталари, шунингдек, 2026 йилда жорий қилиниши қўллаётган лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тоштемир МУРОД

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА



Бўстон: ТЎСИҚСИЗ МУҲИТ ЯРАТИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ЎРГАНИЛДИ

Халқ депутатлари Бўстон туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи томонидан тумандаги ижтимоий соҳа объектларида ногиронлиги бор шахслар учун қулай ва тўсиқсиз муҳит яратиш борасидаги ишлар ўрганилди.

Депутатларимиз мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда тиббиёт бирлашмаларида бўлиб, ногиронлиги бор шахсларга яратилган шароитлар ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни кўздан кечиришди.

Шунингдек, ҳудуддаги янги қурилаётган объектларда ногиронларга шароит яратишда шахарсозлик меъёрларига қанчалик амал қилинаётгани устидан депутатлик назорати олиб борилди.

Аниқланган баъзи муаммо ва камчиликлар юзасидан масъуллар билан боғланиб, ижобий ҳал этиш борасида келишиб олинди.

Жондор: АҲОЛИ МУРОЖААТИ ДЕПУТАТ ЭЪТИБОРИДА



Халқ депутатлари Жондор туман Кенгаши депутати Мунаввар Ҳожиёва бир гуруҳ сайловчилар томонидан билдирилган мурожаатларни жойига чиққан ҳолда ўрганди. Ўрганишлар давомида туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари ўринбосари Ф.Нуриллаев ташаббуси билан туман марказий кўп тармоқли поликлиника қошидаги

Оилавий поликлиника фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Хусусан, муассасида иссиқлик таъминоти яхшиланди, янги чойшаблар билан таъминланди ҳамда кондиционер ўрнатилди. Натижада фуқаролар мурожаатлари ижобий ҳал этилиб, тиббий хизмат сифати янада яхшиланди.



Ўзун: ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон ХДП Ўзун туман Кенгаши депутати Ш.Раҳмонов томонидан “Хотин-қизлар ҳуқуқлари – қонун ҳимоясида” лойиҳаси доирасида тумандаги “Қарашик” маҳалласида навбатдаги тадбир ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни турли таъзия қил ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятга мослашиши, таълим олиши ҳамда меҳнат қилиши учун яратилаётган шароитлар, зўравонликнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган янги механизмлар муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш, жамиятдаги ўрни ва фаоллигини қучайтириш, қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларини амалда таъминлаш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шўманай: МУРОЖААТ ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Партияимиз Шўманай туман кенгаши раиси Б.Сағатов “Кетенлер” овул фуқаролар йиғини “Қизилтаў” аҳоли пункти ҳудудида яшовчи I-гуруҳ ногиронлиги бўлган Халташ Атабайеванинг хонадониде бўлиб, онахон билан суҳбат олиб борди.

Учрашув давомида Х.Атабайева ногиронлик аравачасига эҳтиёжи борлигини маълум қилди. Б.Сағатов туман «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилиб мавжуд вазиятни тушунтирди. Марказ ходимлари шу куннинг ўзида онахонга ногиронлик аравачаси олиб келиб беришди.

Депутатларимиз ҳудудларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор инсонларнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг мурожаатларини тинглаб, ўз вақтида ва самарали ҳал этишга бел боғлашган.

Фарғона: ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДАГИ ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТ АНИҚЛАНДИ

“Энг фаол депутат” кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди. Мазкур тадбир маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббускорлигини ошириш ҳамда жойларда партия гоя ва мақсадларини самарали амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятли ҳисобланади.

Танлов низомига мувофиқ, туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 8 нафар фаол ва ташаббускор депутатлар вилоят босқичида 3 та шарт асосида ўзаро беллашди. Қизғин ва мазмунли ўтган беллашувлар давомида иштирокчилар йил



давомида амалга оширган ишлари, илгари сурган ташаббуслари, ижтимоий аҳамиятга эга тақлифлари ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги амалий натижаларини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишди. Якуний натижаларга кўра, халқ депутатлари Қува туман Кенгаши депутати Облоберди Олимов 1-ўринни, халқ депутатлари Беширик туман Кенгаши депутати Жаҳонгир Мадаминов 2-ўринни ҳамда халқ депутатлари Қўштепа туман Кенгаши депутати Моҳиржон Усмонов 3-ўринни эгаллади. Ғолиб ва фаол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши 1 минг дон “Ўзбекистон Халқ демократик партияси ифтихори” кўкрак нишонини тайёрлатиш ва харид қилиш учун танлов эълон қилади. Тижорат таклифлари 2026 йил 5 январь кунига қадар қуйдаги манзилда қабул қилинади: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3. Изоҳ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар амалга ошириладиган хизматларнинг таснифларини (71) 239-19-73 телефон рақами маълумот олишлари мумкин.




Biznesni
Rivojlantirish
Banki

Yangi 2026 yilingiz muborak bo'lsin!



1254

www.brb.uz



BRB ilovasi bilan bank xizmatlari
tezkorligini his eting

Ilovani yuklab oling va foydalanishni boshlang

MUASSIS:



O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 1237. 1573 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.